

## ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА НИСБАТАН СОДИР ҚИЛИНГАН ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Қозоқов Ғайрат Ҳазратқулович

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси “Тергов фаолияти”  
мутахассислиги бўйича магистратура тингловчиси.

*E-mail:* [xoliqjonhazratqulov@gmail.com](mailto:xoliqjonhazratqulov@gmail.com), Phone: +99895-909-05-44.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11212736>

**Аннотация.** Вояга етмаганларга нисбатан содир қилинган жиноятларни тергов қилишда, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини сифатли ҳимоя қилиш, уларни руҳий жароҳат олишини олдини олиш, жамиятда ўз ўрнини топиб кетишига кўмаклашиш, уларга нисбатан содир қилинган жиноят ишлари доирасида жиноий жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашда миллий қонунчиликдаги тартибни ўрганиб чиқиб, уларни хорижий давлатлар тажрибаси билан қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш, мавзу доирасида келиб чиққан саволларга жавоб қидириш, соҳа илм-фан ривожини ва қонунлар такомиллаштиришига ҳисса қўшишидир.

**Калим сўзлар:** Бола ҳуқуқлари кафолатлари, миллий қонунчилик, халқаро ҳужжатлар, тергов қилиш усуллари, жиноят процесси иштирокчилиги, вояга етмаганлар билан суҳбат ўтказиш ва сўроқ қилиш.

### CHARACTERISTICS OF THE INVESTIGATION OF CRIMES AGAINST MINORS

**Abstract.** Investigating crimes committed against minors, protecting their rights and freedoms, preventing them from suffering mental injuries, helping them to find their place in society, and ensuring the inevitability of criminal responsibility in criminal cases committed against them. comparative legal analysis with the experience of countries, searching for answers to questions arising within the scope of the topic, contributing to the development of science and the improvement of laws.

**Key words:** Guarantees of children's rights, national legislation, international documents, methods of investigation, participation in criminal proceedings, interviewing and questioning of minors.

### ОСОБЕННОСТИ РАССЛЕДОВАНИЯ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СОВЕРШЕННЫХ ПРОТИВ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ

**Аннотация.** Расследование преступлений, совершенных в отношении несовершеннолетних, защита их прав и свобод, предотвращение получения ими психических травм, помощь им в поиске своего места в обществе, обеспечение неотвратимости уголовной ответственности по уголовным делам, совершенным в отношении них, сравнительно-правовой анализ с учетом опыта стран, поиск ответов на вопросы, возникающие в рамках темы, способствуя развитию науки и совершенствованию законодательства.

**Ключевые слова:** Гарантии прав детей, национальное законодательство, международные документы, методы расследования, участие в уголовном судопроизводстве, допрос и допрос несовершеннолетних.

### **КИРИШ.**

Ўзбекистонда вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасида қаралмоқда, ҳар бир вояга етмаган шахсларнинг жамиятда эркин яшашлари учун ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишда жамият, давлат ва ҳар бир оиланинг ўз бурчи мавжуд.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1989 йил 20 ноябрда Нью-Йоркда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияси халқаро даражадаги ҳужжат ҳисобланади. Унга кўра “Бола ҳуқуқлари – болага нисбатан инсон ҳуқуқлари тоифаси, ирки, жинси, тили, дини, туғилган жойи, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкыйлиги, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳар бир бола эга бўлиши керак бўлган ҳуқуқ ва эркинликлар.

Халқаро ҳуқуқда **18 ёшга етмаганларнинг барчаси бола** деб тан олинган”[1] деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг 30.04.2023 йилда янги қабул қилинган Конституциясида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ёшларга доир давлат сиёсати ўз аксини топган, Конституциямизнинг 78-моддасида “Фарзандлар ота-онасининг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар, Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбуриятидир. Оналик, оталик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Давлат ва жамият болаларда ҳамда ёшларда миллий ва умуминсоний кадриятларга содиқликни, мамлакатидан ҳамда халқнинг бой маданий меросидан фахрланишни, ватанпарварлик ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш тўғрисида ғамхўрлик қилади ва 79-моддасида Давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради. Давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишга, соғлиғини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади. [2]

**Асосий қисм.** Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб 1992 йили «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияни ратификация қилди. Миллий қонунчилигимизни конвенция қоидаларига имплементация қилиш асносида 2008 йил 7 январдаги «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

Айниқса, сўнги йилларда мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш билан боғлиқ ислохотлар натижаси халқаро ҳамжамият томонидан ҳам муносиб баҳоланмоқда. [3]

БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида 2019 йилнинг 22 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги 4296-сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили

(омбудсман) ўринбосари – Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими жорий этилди ва Котибият тузилмасида бола ҳуқуқларини таъминлаш фаолиятига кўмаклашувчи янги сектор тузилди. [4]

Бугунги кунда миллий қонунчилигимизда бола ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлган қонун ҳужжатлари сони 40 дан, қонуности ҳужжатлари сони 500 дан ортиқни ташкил этади.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг асосий вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳамда бола ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатлари кўзда тутилмоқда, Болалар омбудсманини сайлаш тартиби жорий этилди. яъни, Қонунчилик палатаси ва Сенат томонидан депутат ва сенаторлар умумий сонининг кўпчилиги овози билан 5 йил муддатга сайланади. Ушбу лавозимга номзод Олий Мажлис палаталарига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан киритилди.

Сўнгги пайтларда болалар ва вояга етмаганларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари содир бўлаётгани ҳақида кўп эшитиб қоляпмиз. Бу эса болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишларни янада жадаллаштиришни тақозо этади.

Мамлакатимиз жиноят қонунчилиги тарихида мутлақо янги бўлган, шу билан бирга дунёнинг илғор мамлакатларида кенг қўламда қўлланиладиган ушбу институтнинг миллий қонунчиликка имплементация қилинишидан кўзланган мақсад вояга етмаганларни зўравонликка учрашини олдини олиш мақсадида бир қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда, масалан ҳужжатда қатор моддалар, хусусан, вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ моддалар бўйича жазо қатъийлаштирилди.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқада бўлиш 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш, вояга етмаганларга нисбатан номақбул ҳаракатлар содир этганлик учун 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Бундан ташқари, янги оғирлаштирувчи ҳолатлар қўшилди. [5]

Давлатимиз раҳбари оғир вазиятда қолган вояга етмаган хотин-қизларга ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатишни кенгайтириш, ҳар бир туманда «ягона дарча» тамойили асосида фаолият юритувчи ижтимоий хизмат марказларини ташкил этиш бўйича топшириқ берган. У зўравонлик қурбони бўлган вояга етмаганларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида психологлар, ҳуқуқшунослар ва ижтимоий соҳа ходимларидан иборат сайёр гуруҳлар, колл-марказлар ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Вояга етмаганларга нисбатан содир қилинган жиноятлар икки хил кўринишда юзага келади, биринчидан вояга етган шахслар томонидан вояга етмаган шахсларни жиноят содир этишга жалб қилиш, улардан жиноий фаолиятлари давомида ўзлари билмаган ҳолда фойдаланиш ҳам бевосита вояга етмаган шахсга нисбатан жиноий ҳаракатлар содир қилишда феъл-атворланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 121-моддасида вояга етмаган гувоҳ ва жабрланувчининг сўроқ қилиш тартиби белгилаб берилган ва ўзига хос жиҳатлари кўрсатиб ўтилган, 2021 йил 7 декабрда Қонунга киритилган ўзгартиришларда вояга етмаганларга оид ишларни юритиш тартиби сифат жиҳатдан такомиллаштирилди.

Вояга етмаган гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилиш қонуний вакили ёки катта ёшдаги яқин қариндоши, педагог ва психолог ёхуд жабрланувчининг вакили иштирокида

уларнинг розилиги билан ўтказилади. Кўрсатилган шахслар сўроқ қилувчининг рухсати билан гувоҳ ёки жабрланувчига саволлар беришлари мумкин. Педагогни ва психологни сўроқ қилишга жалб этиш вояга етмаган гувоҳ ёки жабрланувчи қонуний вакилининг ёки катта ёшдаги яқин қариндошининг, жабрланувчи вакилининг илтимосига биноан ёхуд суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки суднинг ташаббусига кўра амалга оширилади. Педагогнинг ва психологнинг иштироки жиноят ишини юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан таъминланади.

Вояга етмаган жабрланувчи ёки гувоҳни сўроқ қилишда иштирок этиш учун педагогни ва психологни жалб этиш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқи сўроқ қилишдан олдин унинг қонуний вакилига ёки катта ёшли яқин қариндошига, жабрланувчи вакилига суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан тушунтирилади. Вояга етмаган гувоҳни ёки жабрланувчини сўроқ қилишнинг умумий давом этиш вақти кун давомида дам олиш ва овқатланиш учун бир соатлик танаффусни ҳисобга олмаганда тўрт соатдан ошмаслиги керак. Ўн олти ёшгача бўлган гувоҳлар ва жабрланувчилар кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмайдилар, бироқ суриштирувчи, терговчи ёки суд мажлисида раислик қилувчи, гувоҳ ва жабрланувчиларга уларнинг процессуал ҳуқуқи ва мажбуриятларини тушунтириш чоғида ҳаққоний кўрсатув бериш ва бу билан жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга кўмаклашиш маънавий бурч эканлигини эслатиб ўтади.

Жинсий эркинликка қарши, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар савдосига оид жиноят ишлари бўйича вояга етмаган гувоҳни ёки жабрланувчини сўроқ қилиш, шунингдек бошқа ҳолатларда сўроқ қилиш, агар буни одил судловнинг ёки вояга етмаган шахснинг манфаатлари талаб этса, стенография, видеокузатув, шунингдек аудио ва видео қайд этиш тизимлари билан жиҳозланган махсус хонада қонуний вакил, педагог ва психолог иштирокида ўтказилиши мумкин. Сўроқни стенография, видеокузатув, шунингдек аудио-ва видео қайд этиш тизимлари билан жиҳозланган махсус хоналарда ўтказиш тартиби суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан белгиланади.

Зарур бўлган ҳолларда, ҳимоячи, вояга етмаган шахснинг қонуний вакили, педагог ёки психолог саволларни суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки суднинг рухсати билан қайта тузиш ҳуқуқига эга, бунда саволларнинг моҳияти ўзгартирилмайди.

Вояга етмаган гувоҳни ёки жабрланувчини сўроқ қилиш стенографияси, улар кўрсатувларининг аудио ва видеоёзувлари ушбу моддага мувофиқ баённомага илова қилинади. [6]

Шу билан бир қаторда вояга етмаганларга нисбатан содир қилинган жиноятларни тергов қилишда уларнинг руҳий ҳолатидан келиб чиқиб, тергов ҳаракатларини ўтказиш, уларда руҳий жароҳат олишларини бартараф қилиш чораларини кўриш, уларга психологик жиҳатдан кўмаклашиш ва ўзини эркин ҳис қилдира олиш муҳим аҳамият касб этади. Вояга етмаганларни оилавий зўравонликлардан ва жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш мақсадида бир қатор давлат дастурлари амалга оширилмоқда.

Вояга етмаганларга нисбатан содир қилинган жиноятларни тергов қилишда, асосан дастлабки далилларни тўплаш ва жиноятларни иссиқ изидан фош қилиш мақсадида, тўғри кўрсатмалар олиш чораларини кўриш ва тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнида

уларнинг хавфсизлигини таъминлаш лозим бўлади, ушбу йўналишда ҳозирда тергов тизимларида вояга етмаган жабрланувчилар билан тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнида психолог иштирокини таъминланиб, махсус тергов хоналари ташкил қилинган, улардан кўрсатмалар олиш ва бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнида махсус тергов хоналаридан кенг фойдаланиб келинмоқда.

**ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.** Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, бугунги кунда юртимизда болаларни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий жиҳатдан ҳимоя қилиш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. мамлакатимизда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тегишли ҳуқуқий база шаклланган десак ҳеч хато бўлмайди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Оила кодекси, Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодекси, Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларида болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид нормалар ўз ифодасини топган ва такомиллаштирилиб бормоқда.

### **REFERENCES**

1. 1989 йил 20 ноябрда Нью-Йоркда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция.
2. Ўзбекистон Республикасининг 30.04.2023 йилда янги қабул қилинган Конституцияси.
3. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга қўшилиш тўғрисида”ги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январдаги «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 22 апрелдаги “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4296-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 1994 йил 22 сентябрь.
7. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 1994 йил 22 сентябрь.